

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgtz.uz, info@uzssgtz.uz • 2013 йил 17 май • № 19 (936)

## Ҳамкорлик муносабатлари

### ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

хизматларини такомиллаштириш  
қўшма лойиҳаси давом этади



**Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва ЮНИСЕФнинг “Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматларини такомиллаштириш” қўшма лойиҳасининг янги офиси очилди.**

Шу муносабат билан ўтказилган маросимда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир А. Алимов, Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги делегацияси раҳбари Элчи Юрий Штерк, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Ж. Дельмот ва бошқалар юртимизда амалга оширилаётган “Соғлом она – соғлом бола” мақсадли дастурининг оналар ва болалар саломатлигини яхшилашдаги ўрни ҳамда аҳамиятини таъкидлаб, мазкур йўналишда эришилаётган кўп томонлама ҳамкорлик муносабатлари, истиқболли режалар аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишда юксак самара бераётганига алоҳида эътибор қаратдилар. Айниқса, “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида бу борадаги ишлар кўламининг янада кенгайтирилиши эътиборга молик.

“Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматларини такомиллаштириш” лойиҳасидан кўзланган мақсад ҳам айнан оналар ва болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш сифатини янада ошириш, оналик ва болаликни муҳофазалашга оид инновацион ишланмалардан оқилона фойдаланиш, оилада тиббий маданиятни юксалтиришдан иборатдир.

Маросимда таъкидланганидек, лойиҳанинг биринчи босқичи 2008 йилдан 2011 йилгача амалга оширилди. Лойиҳа доирасида шифокор ва ҳамширалар учун оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тўғри овқатланиш, санитария-гигиена масалаларига оид замонавий ўқув-услубий қўлланмалар тайёрланди.

Иккинчи босқич 2016 йилгача давом этади. Бу даврда соғлиқни сақ-

лаш тизимининг ўн уч мингдан зиёд раҳбарлари, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, туғруқхоналар ва болалар шифохоналари врачлари, доялар ва ҳамшираларни ўқитиш режалаштирилган. Шу мақсадда бир қатор тиббиёт муассасаларида ўқув марказлари ташкил этилди.

– Оналик ва болаликка бағишланган янги лойиҳа учта жиҳати билан ажралиб туради: биринчи босқичда Ўзбекистоннинг саккизта ҳудудида эришилган натижаларни кенгайтириш ва юксалтириш учун – узлуксизликни таъминлаш, лойиҳанинг географик қўламини кенгайтириш ва қолган 6 та ҳудудда ўқитишнинг янада кенг имкониятларини яратиш, оила, жамият ва тиббиёт ходимлари даражасида овқатланиш компоненти билан боғлиқ бўлган инновацион компонентни ишлаб чиқишдан иборатдир, – деди Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги делегацияси раҳбари Элчи Юрий Штерк.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси жаҳонда оналик ва болаликни муҳофазалаш йўлида юқори натижаларга эришаётган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Шу боис, Соғлиқни сақлаш вазирлиги бу каби лойиҳаларни амалий қўллаб-қувватлаган ҳолда унинг юртимиз тиббиёти ривожига муносиб ўрни борлигини алоҳида баҳолайди. Лойиҳанинг дастлабки босқичи муваффақиятли якунлангач, иккинчи босқични янада кенг татиқ этиш ва унда республиканинг барча ҳудудларини бирдек қамраб олиш даражасини ошириш кўзда тутилганлигини кўрсатади.

**Тадбирда мазкур лойиҳанинг аҳамияти, уни амалга ошириш чоратadbирлари, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдамни такомиллаштириш масалалари хусусида ҳам фикр алмашилди.**

Саҳифа материалларини  
Намоз ТОЛИПОВ  
тайёрлади.  
Сурат муаллифи  
Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

## Эътироф

Ҳар йили республикаимизда 9 май – Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонланади. Шу муносабат билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ватандошларимиз ёди хотирланиб, тирикларни қадрлаш ва эъзозлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш каби эзгу анъаналаримиз бардавом бўлади.

### ФАХРИЙЛАР МЕҲНАТИ ДОИМ ЭЪЗОЗДА

Шунингдек, эл-юрт тинчлиги, озоқ-йишталлиги йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз руҳини шод этиш, айниқса, шиддатли жанг майдонларида ўзининг бор илму маҳорати билан тиббий хизматни аъло даражада кўрсатган шифокору ҳамшираларимиз жасоратини бугун ҳар қанча эътироф этмайлик, эсламайлик озлик қилади. Чунки, ана шундай қаҳрамонлик ортида юртдошларимизнинг орзу умидлари, тинчлик наҳидасини суришдек олий саодат ётганлигини теранроқ англаб, уларга ҳурмат-иззат кўрсатишни инсонийлик бурчи, деб биламиз.

Барча тиббиёт муассасаларида бўлгани каби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида ҳам байрам муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Меҳру саховатга йўла мазкур тадбир мана бир неча йилдирки, вазирлик ҳаётида доимий анъана тусини олиб келмоқда. Шу вақтга қадар бу даргоҳда қанчадан-қанча тиббиётимиз дарғалари, олим уюнулар инсонлар меҳнат қилганини эътироф этиш жоиз. Кўп йиллар ушбу даргоҳда самарали фаолият олиб бориб, эндиликда қариллик гаштини сураётган фахрийларнинг ҳамкасблари дийдори томон ошиқишлари, уларга кўрсатилган ғамхўрлик ва эътибор йиллар давомида ўзининг кадр-қимматини йўқотмайди.

– Ватан озодлиги, эл-юрт саломатли-

ги йўлида фидокорона меҳнат қилган фахрийларни эътироф этиб, уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўли, мазмунли касб фаолияти бугунги авлод учун ибрат мактаби вазифасини ўтамоқда, – деди табрик сўзида Соғлиқни сақлаш вазир А. Алимов.

Тадбирда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ва нафақадаги шифокору ҳамшираларга вазирлик томонидан ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, эсдалик совғалари топширилди. Устозлар меҳнати эътироф этилди.

– Қутилмаган табрикдан бошим осмонга етди. Кўзларимга ёш олиб, вазирликда ишлаган дамларимни эсладим. Раҳбариятнинг ҳолимиздан хабар олиб, байрам билан табриклагани эса кайфиятимизга кўтаринкилик руҳини олиб кирди. Ҳозир нафақадаман. Фарзандларим, невараларим ардоғида қариллик гаштини суриш бахти насиб этди. Инсон қаерда бўлмасин, касбини севиши, ардоқлаб, ҳурмат қилиши керак, шунда ҳаёт унга бахтиёрликни тухфа этади. Кўрсатилган бундай ғамхўрлик ва алоҳида эътибор учун ўз миннатдорчилигимни билдираман, – дейди Леонид Дмитриевич.

Тадбир сўнггида ватанпарварлик руҳи акс этган куй-қўшиқ ва тароналар барчанинг қалбига кўтаринкилик руҳини олиб кирди.

## ЎҚИШ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Наманган вилояти Косонсой туманидаги тиббиёт коллежида 1 минг 600 нафардан зиёд йигит-қиз ҳамширалик иши, даволаш иши, фармацевт ассистенти, тиббий профилактика иши йўналишларида билим ва кўникмасини оширмоқда.



Коллежда амалиёт машғулотларини пухта олиб боришга жиддий ёндашилмоқда. Бунда зарур ускуналар билан жиҳозланган махсус тиббиёт хоналари жуда қўл келмоқда.

Бу йил коллежни 636 нафар ўқувчи битиради. Уларнинг ўқишдан сўнг доимий бандлигини таъминлаш мақсадида тегишли ташкилот ва тиббий муассасалар билан уч томонлама шартномалар тузилган.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган сурат.

## УШБУ СОҶДА:

2 ЭРТА ТУРМУШ  
ҚУРИШНИНГ  
САЛБИЙ  
ОҚИБАТЛАРИ

БИЛМАЙИН  
БОСДИМ  
ТИКАННИ...

3

4 ТИББИЁТ  
ТАРИХИНИНГ  
НОДИР  
САҲИФАЛАРИ

Матбуот анжумани

## УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан “Соғлом авлодни таъбиялаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги устувор вазифалар ва истиқболдаги режалар” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда илмий марказлар ва ОАВ-лари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов кириш сўзи билан очиб, Президентимиз раҳнамолигида сифат жи-

рия илмий-амалий тиббиёт марказлари аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатаётганлигига алоҳида урғу қаратди.

Таъкидлаш муҳимки, 2005



хатидан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган замонавий даволаш муассасалари мукамал тизими яратилганлигини таъкидлади. Шунингдек, “Соғлом она – соғлом бола” фоясини ўзида мужассам этган дастур асосида кенг қўламли

йилда мамлакатимизда соғлом болалар кўрсаткичи 52,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 63 фоиздан ошди.

Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда вазирлик ташаббуси билан ташкил этилаётган “Саломатлик ҳафталиги”-



чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилиши натижасида – скрининг ва перинатал каби тиббий марказлар, уларнинг вилоятлардаги филиаллари миллий тиббиётимиздан мустақам ўрин эгаллаганлиги, бунинг баробарида айна пайтда юртимизда Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология ҳамда Педиат-

нинг мунтазам тарзда ўтказиб келинаётганлиги мазкур йўналишда эришилаётган ютуқларимизнинг ёрқин ифодасидир десак, янглишмаган бўламиз. Шунингдек, миллий эмлаш кунларининг босқичма-босқич ўтказиб келинаётганлиги фарзандларимизни юқумли касалликлардан асрашда асосий ўринга эга бўлмоқда.

**Анжуман давомида вазирликнинг мутасадди раҳбарлари мавзу доирасида маъруза қилдилар. Оммавий ахборот воситалари ходимлари мутахассислар томонидан муҳим саволларига тўлақонли жавоб олдилар.**

**Диёра БОЗОРОВА.**

**Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

## ҲАР БИР БОЛА – МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА

Қашқадарё вилояти Шахрисабз туманидаги 16-сонли махсус мактаб-интернатда асосан сколиоз касаллигига чалинган болалар таълим олади.

Ушбу масканда ўқув-тарбия ва даволаш ишлари ягона ортопедик қондаларга риоя қилинган ҳолда, қатъий жадваллар асосида йўлга қўйилган. Бу ерда ўғил-қизлар ҳам илм ўрганади, ҳам саломатлигини тиклайди. Эллиқдан зиёд ўқитувчи ва тарбиячи, 35 нафар тиббиёт ходими ҳар бир болага меҳр-эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда.

ЎЗА.

Бугуннинг мавзуси: нуқтаи назар

## ЭРТА ТУРМУШ ҚУРИШНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ

**Оила қуриш инсон ҳаётидаги энг масъулиятли ишлардандир. Мамлакатимизда оила институтини янада мустақамлаш ва ривожлантириш, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир оила мустақам пойдеворга эга бўлишига эришиш, жамиятда ҳар бир гўдакнинг соғлом туғилиши ва яшаб кетишини тўла қафолатлайдиган зарур шарт-шароитларни яратишга эътибор қаратилмоқда.**

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганидек, оила ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, халқимизнинг муқаддас урф-одатлари сайқал топадиган, келажак авлод камолотига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир. Асосий қонунимизнинг 63-моддасида “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади”, дея белгилаб қўйилган. Мазкур тамойил асосида мамлакатимизда оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унга моддий ва маънавий кўмак бериш чоралари кўрилмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, йигит-қизларнинг турмуш қуриш ёши оила мустақамлигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан биридир. Афсуски, айрим ота-оналар кўпинча фарзандининг келажак тақдири, бахт-саодати ҳақида ўйламай, ҳали балоғат ёшига етмаган қизини узатиш ёки қариндошимнинг қизи бегона бўлмасин, деб ўғил уйлантириш тараддудига тушади. Бунинг оқибатида қизларни ўн олти, ҳатто ондан кичик ёшда турмушга узатиб юбориш ҳоллари учраб туради. Аммо бу кўп ҳолларда бўлғуси онанинг саломатлиги ва руҳиятига, қолаверса, ёш оиланинг мустақамлиги, туғилажак фарзанднинг соғломлигига салбий таъсир кўрсатади.

– Вилоятимизда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, тиббий маданиятни ошириш ва ёшларнинг никоҳга оид тушунчаларини кенгайтириш, қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳларнинг олдини олиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди “Оила” илмий-амалий марказининг Фарғона вилояти бўлими раҳбари Зулфия Охунова. – Афсуски, ушбу саъй-ҳаракатларга қарамай, репродуктив саломатлик талабларига зид равишда қизларни барвақт турмушга узатиш ҳоллари кузатилмоқда.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг бахтли бўлишини истайди, албатта. Лекин қизимни тезроқ турмушга берсам, хотиржам бўлардим, деган нотўғри қараш билан қайсидир маънода ўз ҳаловатини ўйлайдиган, фарзандининг ўқишни давом эттириши ёки эгаллаган касби бўйича ишлашига тўсқинлик қиладиган ота-оналар ҳам йўқ эмас. Мана шундай ота-оналарга тушунтириш мақсадида барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва маҳаллаларда мутахассислар иштирокида аҳоли вакиллари билан мунтазам давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Ушбу тадбирларда қиз болани бар-

вақт турмушга бериш ва эрта фарзанд кўриш, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари, никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишининг зарурлиги борасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Мутахассислар томонидан қизларнинг 16-18 ёшларда она бўлиши жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлиги аниқланган. Кўп ҳолларда бундай ёшдаги қизларнинг соғлом фарзандни дунёга келтиришида турли муаммолар келиб чиқади. Қизларнинг жисмонан ва руҳан оналикка тайёр бўлмасдан оила қуриши кўпинча туғруқ жараёнида хавфли асоратларга сабаб бўлади. Бинобарин, эрта ҳомиладорлик ёш она ҳамда бўлажак фарзанд учун ҳар томонлама хавфлидир.

– Аёл қанча ёш бўлса, ҳомиладорлик давридаёқ турли патологик, экстрагенитал хасталиклар кучаяди, йўлдош етишмовчилиги, суяклар тизимида рўй берадиган ўзгаришларнинг салбий оқибатлари кўп бўлади, – дейди Фарғона шаҳридаги 5-оилавий поликлиника акушер-гинеколог Насиба Асқарова. – Эрта ҳомиладорлик кўпинча бола тушиши ёки ўлик туғилиши билан тугайди, бу ҳолат ҳомиланинг нуқсонли ривожланиши сабабли ҳам она, ҳам бола саломатлигига катта хавфдир. Бундай асоратлар кейинги ҳомиладорликнинг нормал кечиши ва туғруқнинг табиий равишда амалга ошишига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис ёш турмуш қурган аёлларнинг фарзандлари жарроҳлик амалиёти орқали дунёга келтирилади. Сурункали кислород етишмаслиги туфайли она қорнида суст ривожланган чақалоқларнинг вазни анча кам бўлади ва, афсуски, уларнинг аксарияти кўп яшамайди.

Бугунги кунда скрининг текширувлари натижалари шуни кўрсатмоқдаки, болалардаги турли хил аномалиялар, айниқса, асаб тизими ва генетик нуқсонлар айнан қариндошлар ўртасидаги никоҳ туфайли юзага келмоқда. Бунинг олдини олиш учун, аввало, ота-оналар етарли тиббий билим ва тушунчага эга бўлиши лозим. Аммо айримлар эрта турмуш, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларини кўра-била туриб, шошма-шошарлик ва ўзбошимчалик билан қарор қабул қилишади. Натижада носоғлом фарзандлар дунёга келади, оилалар ўртасида совуқчилик пайдо бўлади, ёш келин-куёв руҳий тушкунликка тушиб қолади. Кимнингдир ўйламай қилган хатоси туфайли ёш оилалар бузилиб кетади, келин-куёвларнинг ҳаёти издан чиқади.

Ана шундай салбий иллатларнинг олдини олиш мақсадида вилоят хотин-қизлар кўмитаси томонидан соғлиқни сақлаш бошқармаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда жой-

ларда “Соғлом оила”, “Соғлом турмуш”, “Репродуктив саломатлик”, “Бола парвариши” каби мавзуларда давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилмоқда. Умумтаълим мактаб ўқувчилари учун “Соғлом авлод асослари”, “Саломатлик дарслари” каби фан машғулоти ташкил этилаётир. Коллежларда “Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш”, “Оила ва никоҳ”, “Соғлом турмуш тарзи ва оила” дарслари йўлга қўйилган.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимида қошида ташкил этилган “Оила дорилфунуни” машғулоти соғлом оилани шакллантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу машғулотларда шифокорлар, ҳуқуқшунослар, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали вакиллари ёшларга никоҳгача тиббий кўрикдан ўтишининг аҳамияти, қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳнинг салбий оқибатлари, соғлом турмуш тарзи бўйича зарур маълумотларни бермоқдалар.

– Туманимиздаги 5 та касб-хунар коллежида “Ёш оила қурувчилар мактаби” фаолияти йўлга қўйилган, – дейди Ёзёвон тумани ФХД бўлими мудирини Жабиба Бозорова. – Жорий йилнинг ўтган даврида бу мактаблар машғулотларига 2 минг 500 нафар коллежларнинг учинчи босқич ўқувчилари жалб этилди.

Шу ўринда савол туғилади: оилаларда соғлом муҳитни мустақамлаш, қизларни эрта турмушга беришнинг олдини олиш мақсадида хотин-қизлар кўмиталари раислари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари томонидан жойларда олиб борилаётган кенг қўламли ишларга қарамай, нега юқоридаги каби ҳолатлар ҳамон давом этмоқда?

– Халқимиз орасида қизларнинг катталар, айниқса, ота-она раъйига қарши бормаслиги одатга айланган, – дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фондига вилоят бўлими бош мутахассиси Нилуфар Каримова. – Кўпинча эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг қайд этилишига ана шу ҳолат сабаб бўлмоқда. Бунинг олдини олиш мақсадида мактаб, коллеж ўқувчилари билан эрта турмушга чиқиш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари каби мавзуларда давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар, очик мулоқотлар ўтказмоқдамиз.

Соғлом фарзанд соғлом онадан дунёга келади. Ёшларда соғлом ва аҳил оила қуриш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга интилишни рағбатлантиришдек эзгу ишлар замирида, аввало, баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад мужассамдир.

**Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,**  
ЎЗА муҳбири.

## Муносабат, мулоҳаза ва хулоса

## БИЛМАЙИН БОСДИМ ТИКАННИ...

## Ёшлар маънавияти ва ахлоқига, уларнинг таълим-тарбиясига эътибор

Тахририятимизга кўнғироқ қилиб, кимлигини сир тутиши- мизни сўраган 25 ёшлар атрофидаги бир йигит шифокор- лардан миннатдор эканлигини гапириб қолди. Билишимиз- ча, у узоқ йиллар хорижда ишлаб юриб, айрим сабабларга кўра Ватанига қайтгач, оғир дардга чалингани, гиёҳвандлик иллатидан кутуллолмаб, мажбурий даволангани ва унга ру- хий далда бўлган диспансер ходимлари меҳнатидан бир умр миннатдор эканлигини таъкидлади. Демак, суҳбатдошимиз болаликдек беғубор, гам-ғуссалардан йироқ ҳаёт тарзига қайтди. Барча қилмишларидан пушаймон эканлигини тан олди. Ахир онгли мавжудот дея эътироф этаётганимиз Ҳаз- рати инсон ҳар қандай жасоратга, ирода ва матонатга қодир эканлигини юқоридаги ҳаётӣ воқеа асосида янада теран- роқ ҳис этдик десак, хато бўлмайди.

ДОИМИЙ ОГОҲЛИК  
ЗАРУР

Зеро, Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" ки- тобида: "Бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни ил- мий-амалий жиҳатдан атроф- лича таҳлил қилиш ва баҳо- лаш, уларнинг устувор йўна- лишларини, кимга ва нимага қаратилганини аниқлаш, аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатла- римизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва маф-

Бу вазифа бежиз кун тарти- бига қўйилаётгани йўқ. Бугун дунёнинг муҳим стратегик чор- раҳаларида, ерости бойликлари беҳисоб минтақаларда йигир- манчи асрдан янги асрга ҳам кўчиб ўтган, кўлами тобора кен- гайиб бораётган хавфли бир ку- раш давом этмоқда. Бу кураш иқтисодий соҳада – ўзга юрт- лардаги табиий бойлик тасар- руфи устидан назоратни кўлга киритиш, мафкуравий соҳада – турли халқларнинг асрлар да- вомида шакланган турмуш тар- зини ўз манфаатлари йўлида "ислоҳ" қилиш, ёшлар онги ва қалбини эгаллаш, уларни тўғри йўллардан чалғитиш билан боғ- лиқ носоғлом хатти-ҳаракатлар- дир. Ушбу ғоявий курашлар да- вомида иродаси мустаҳкам бўлмаган ёшларга эътиборсиз бўлса, албатта, эртага улар ги- ёҳвандлик, кашандалик ва тур- ли ҳаёсийлик кўчасига билиб- билмай кириб қоладилар. Оқибат эса, албатта, аянчли. Таъ- кидлаш жоиз, глобаллашув жа- раёни бугун тобора кучайиб, ширин ҳаётимизга чуқур кириб бормоқда.

Ҳозирги дунёнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ахборот оламининг глобаллашуви билан боғлиқ. Одамлар, айниқса, ёш- лар, бундан атиги ўн беш-йи- гирма йил аввалги шароитга со- лиштирадиган бўлса, бир неча йиллар давомида, бунинг усти- га қидириб, излаб, китоб vara- қлаб топадиган ахборотга бугун бир зумда, бир куннинг ўзида эга бўлмоқдалар. Бугун эрталаб дунёнинг нариги бир чеккасида юз берган воқеа-ҳодиса тафси-

лоти шу куннинг ўзидаёқ дунё- нинг бошқа бир чеккасига етиб келади, телевидение бевосита намоиш этади, ахборот агент- ликлари қайта-қайта шарҳлайди. Бу, табиийки, техника асрининг ютуғи, инсон ақл-заковатининг ҳосиласи.

Албатта, бу жараёнда биз ҳаётимизни компьютерсиз тасав- вур қила олмаймиз. Олимлар ҳатто инсон миясидаги фикрни ўқийдиган ақлли машиналар их- тиро қилиш устида ҳам бош

## ДОНОЛАР ДЕЙДИ:

«Инсон аслида бахтли яшаш учун дунёга келади. Унга бахтсизлик тамғасини ҳеч ким тухфа этмайди. Шундай бўлган тақдирдагина, у ўзини чин маънода айбдор деб билиши зарур. Демак, тақдир сизни гўзал лаҳзалари билан сийлаган экан, уни борича яшашга, қаноат ва шукр қилишга интилиш керак. Бу йиллар давомида синалган ҳаёт ҳақиқатларидир».

қотирмоқдалар. Лекин бу ихти- ролар нимага хизмат қилиши, эртага ёшлар онги ва тафакку- рига, одоби ва тарбиясига, Ва- тан олдидаги масъулиятига кан- дай таъсир кўрсатиши устида камроқ фикр юритилмоқда.

Демак, ёшлар ўзининг мус- тақил фикри ва билимига, қатъ- ий позициясига эга бўлса, улар- ни ҳеч қандай иллат, хавфли куч ва бузғунчи ғоялар, табиийки, чалғита олмайди. Ҳамиша оғоҳ ва сергак бўлиш эса – бу инсо- нийлик бурчимизга айланиши даркор.

ХАВФЛИ ИЛЛАТГА  
ҚАРШИ

Яқинда Самарқанд вилоятида одам савдосига қарши кураш ва унинг оқибатларини таҳлил қи- лувчи семинар тафсилотлари эътиборимни тортди.

Президентимиз Ислоҳ Кари- мовнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Одам савдоси- га қарши курашиш самарадор-

лигини ошириш чора-тадбирла- ри тўғрисида"ги Қарори ҳамда "Одам савдосига қарши кура- шиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида мамлакатимизда мазкур иллат- нинг олдини олиш, бу жиноят- дан жабр кўрган фуқароларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу жараёнда, айниқса, одам савдосига қарши курашиш бўйи- ча Республика идораларо ко- миссияси ва жойлардаги худ- дий комиссиялар фаолияти му- ҳим аҳамият касб этмоқда. Маз- кур комиссиялар одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш билан бирга, хорижда бўлиб қайтган юртдошларимиз саломатлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таъ- кидланди.

– Кейинги пайтда хорижий давлатларда бўлган айрим юрт- дошларимизнинг миграция вақ- тида оғир шароитда меҳнат фао- лияти билан шуғуллангани, соғ- лом турмуш тарзига риоя этма- гани ва бошқа омиллар таъси- рида турли хасталикларни орт- тириб келгани кузатилмоқда, – дейди Самарқанд вилояти соғ- лиқни сақлаш бошқармаси бош терапевти Гулноза Ҳожиметова. – Айниқса, улар орасида ОИВ инфекцияси, сил каби юқумли касалликларга чалинган киши- ларнинг учраши, аввало, ўша фуқароларнинг ўзи ва оила аъзолари саломатлигига жиддий хавф солади. Шу боис, бугунги кунда вилоятимизда чет давлат- да бўлиб қайтган фуқаролар юр- тимизга келганидан ҳудудий тиббий муассасаларда тегишли мутахассислар томонидан тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Улардан олинган қон ва бошқа таҳлил- лар ихтисослашган тиббий му- ассасаларда текширилиб, аниқ ташхис қўйилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган тўрт ойида хорижий давлатларда бўлиб қайтган 12 мингдан зиёд

## ДОНОЛАР ДЕЙДИ:

«Ҳар қандай ишни қилишдан аввал унинг оқибатларини ўйлаб кўрайлик. Чунки, билиб- билмай босилган ҳар бир қадам баъзида кимматга тушиши, инсон кадри эса баъзан поймол бўлиши мумкин. Шун- и ҳис этган ҳолда, онгли фикрлашга, етти ўлчаб бир кесишга, эҳтиётсизлик қилиш ва эътиборсиз бўлмасликка одатланайлик».

фуқаро тиббий кўриқдан ўтқа- зилди. Уларнинг айримлари- да турли хасталиклар борлиги аниқланди. Хусусан, RW-тек- шируви ва ОИВ инфекциясига қон таҳлили натижалари баъ- зи фуқаролар чет элда ОИВ инфекциясини юқтирганини кўрсатди. Айни пайтда мазкур ҳолатлар юзасидан зарур чора- тадбирлар белгиланиб, бе- морларга тегишли даво муо- лажалари қўлланилмоқда. Шу- нингдек, Ўзбекистон Респуб- ликаси Меҳнат ва аҳолини иж- тимоий муҳофаза қилиш ва- зирлигининг одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бе- риш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази хизматларидан фойдаланиб келаётган фуқа- ролар белгиланган тартибда ўз яшаш ҳудудларида тиббий назоратга олиниб, уларга зар- ур ёрдам кўрсатилмоқда.

Албатта, бундай ҳолатлар ҳамюртларимизни огоҳликка чорлаши, хорижда чиқиш ва у ерда меҳнат фаолияти билан шуғулланишда белгиланган тартиб-қоидаларга қатъий амал қилишлари лозимлигини кўрсатади.

Ҳар қандай хавфни енгиш – бу ўз кўлимизда. Энг муҳи- ми, бировга алданиб қолмас- лик, турли қинғир ишлардан ўзини тийиш ва соғлом турмуш тарзига амал қилиб яшаш, бахтли ҳаётнинг гаровидир. Ана шу гўзал тақдирнинг қад- рига етиб яшайлик, зеро сўнгги пушаймон ўзимизга душман бўлмасин.

Намоз ТОЛИПОВ,  
журналист.

(Мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг молиявий кўмагида тайёрланди).

## Эътибор ва ғамхўрлик

## ЭҲТИРОМ ВА МЕҲР-МУҲАББАТ

Республикамизнинг барча ҳудудларида 9 май – Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланди. Шу жумладан, Тош- кент шаҳридаги 5-сонли клиник шифохонада ҳам ушбу санага бағишлаб байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда маз- кур тиббиёт муассасасида йиллар давомида самарали меҳнат қилган шифокору ҳамширалар ва кекса фахрий- лар иштирок этди.

– Тадбиримиз ўз номи билан инсонларга меҳр-оқибатли бўлиш, уларни қадрлаш, ҳур- мат-эътибор кўрсатиш ва кўн- гилига хуш кайфият улашиш бай- рами ҳамдир. Ҳар йили ўтказиб келинаётган ушбу тадбирга на- фақат уруш қатнашчилари, бал- ки бир неча йиллар давомида шу масканда ҳалол ишлаб, элга хиз- мат қилган, айни дамда оиласи бағрида нафақа ёшини ўтаётган собиқ ходимларимизни тақдир- этамиз. Дийдор учрашувлардан хурсанд бўлган ҳамкасбларимиз Президентимизнинг бундай эъти-

бор ва ғамхўрликларидан мамнун эканликларини изҳор қилдилар, – дейди 5-сон клиник шифохо- наси шифокори Эътибор Ҳай- дарова.

– Аввало, бугунги тадбирда иштирок этаётганимдан гоё хур- санд бўлиб, Юртбошимиз ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, 5- сон клиник шифохонаси аҳил жа- моасига ташаккуримни билдира- ман. Айниқса, 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказилаётган тадбирлар кўп йил- лар мобайнида ўзининг ҳалол меҳнати билан эл назарига туш-

ган инсонлар хизматини хотир- лаш ва бугунги кунда кексалик гаштини сураётган биздек онахон ва отахонларга кўрсатилаётган катта ҳурмат деб биламан. Албат- та, ўзим тенги ва бирга хизмат қилган фахрийлар даврасида ана шундай байрамда қатнашиш мен учун катта бахт, – дейди меҳнат фахрийси Зинаида Ткачова.

– Бундай тадбирлар бизни яна- да қувонтиради. Фахрийларни кўриш, улар билан суҳбатлашиш ва хотиралар билан ўртоқлашиш имконини яратади. Бунинг учун ушбу шифохона маъмуриятига, тажрибали шифокор ва меҳрибон ҳамшираларга ўз миннатдорчи- лигимизни билдираман, – дей- ди подполковник Геннадий Чу- маков.

Тадбир сўнггида фахрийлар учун хушнаво қўшиқлар ва жози-



бали рақслар ижро этилди.

Диёра БОЗОРОВА.

Сурат муаллифи  
Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

## 18 май — Халқаро музейлар куни

## ТИББИЁТ ТАРИХИНИНГ НОДИР САҲИФАЛАРИ

Айни кунда Қажом Зоиров номидаги Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш музейига ташриф буюрсангиз, у ердаги тозаллик ва озодлик, ходимларнинг самимий муносабати ҳамда киравериш залларидаги замонавий тарзда ташкил қилинган рангли фотокўргазмалар диққатингизни ўзига жалб этади. Тиббиётимиз тарихи ва равнақи, унинг бой меросини ўрганиш мақсадида ташриф буюраётганлар сони тобора ортиб, ҳатто бир кунда 6-7 гуруҳча етмоқда. Зеро, бундай файзли маскан янада ўзига хос макқага эга бўлишида музейнинг жонкуяр ходимлари хизмати каттадир. Музей директори В. Болкунов мухбиримиз билан бўлган суҳбатда куйидагиларни гапириб берди:

– Дарҳақиқат, инсон учун соғлиқ – бу бебаҳо неъмат ҳисобланади. Тиббиётнинг асл мақсади халқ саломатлигини ҳар томонлама муҳофаза қилишдир. Шундай экан, ҳар бир инсон, аввало, ўз соғлиғи йўлида тиббий билимга эга бўлиши муҳим. Бунинг учун тиббиётнинг ўтмиш тарихи ва бугуни тўғрисида маълумотга эга бўлмоғи лозим. Ана шундай маълумотга эга бўлишда ўзининг 40 йиллик фаолияти билан республикамиз тиббиёт тарихини халққа танитиб келатган музейимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Даргоҳимизга киришингиз билан электрлаштирилган рангли кўргазмалар ёрдамида гигиенанинг ҳамма турлари: меҳнат, мактаб ва шахсий, овқатланиш, ижтимоий, радиацион ҳамда тупроқ, сув, тураржой гигиеналари билан танишасиз. Шунингдек, ҳар бир хонада тиббий тарихий манбаларнинг мавжудлиги, экспонат ва турли хилдаги ноёб топилмаларнинг ўрин олганлиги ўтмиш тиббиёт тарихини кўз олдимизга келтиради. Бундан ташқари, кўхна ўзбек шаҳарлари Хива, Бухоро ҳамда Афросиёб замидаги археологик қазилмаларда топилган сополдан ясалган канализация шахобчаларининг суратлари ва қолдиқлари ота-боболаримиз ўз шаҳар ва қишлоқларида санитария ҳолатига қанчалик эътибор берганлигининг гувоҳи бўламиз.



Овқатланиш гигиенасига бағишланган экспозиция овқатланиш тартибини ташкил этиш зарурлигига қаратилса, «Ҳаво гигиенаси» бўлимида электрлаштирилган чўзма ўпканинг фаолияти нафасга олинаётган ва чиқарилаётган ҳаво тартибини аниқ тасаввур қилишга ёрдам беради. Сув ва тупроқ гигиенасига бағишланган кўргазмалар ҳам жуда қизиқарли бўлиб, кераклигича маълумотларни олиш имконияти каттадир.

Музейимизнинг фахри ҳисобланган электрлаштирилган «Шиша одам» модели Германиянинг Дрезден Гигиена музейида тайёрланган. Бутун дунё бўйлаб еттита нусхада яратилган мазкур экспонат орқали инсон ички

– Соғлиқни сақлаш музейига биринчи бор келишимиз. У ерда тиббиётимизнинг ўтмиши, бугуни ва эртаси тўғрисидаги муҳим маълумотларга эга бўлдик. Айниқса, экскурсовод Л. Орлованинг музей бўйлаб олиб борган таништируви бизда катта таассурот қолдирди. Жумладан, музейдаги кўргазмалар, Ибн Синога бағишланган мемориал залдаги қизиқарли экспонатлар, тиббий асбоблар коллекцияси, гигиенанинг барча турлари, юқумли касалликларга оид кўргазмалар, «Шиша одам» модели ҳамда юртимиз тиббиётини жаҳонга танитган буюк олимларимизнинг фотосуратлари ва фаолиятлари тиббиётга бўлган қизиқишимизни орттириб, бу борадаги тиббий билимларимиз янада мустаҳкамланди. Шу ўринда биз музей жамоасини Халқаро музейлар куни билан самимий кутлаб, ўз миннатдорчилигимизни билдириб қоламиз.

Ирина КИМ, Бекзод ФАТИЛЛАЕВ,  
Сирғали туманидаги ҳуқуқшунослик лицейи ўқувчилари.



аъзолари – асаб, юрак-томир тизими, нафас, овқат ҳазм қилиш ва бошқалар навбатма-навбат ёритилади. Айни пайтда ҳар бир аъзонинг тузилиши ва асосий вазифаси изоҳланади, юзага келиши мумкин бўлган касалликлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Тиббиёт тамал тошини қўйиб кетган Абу Али ибн Синога бағишланган мемориал залда қизиқарли экспонатлар жуда кўп. Шундай экан, музейимизга ташриф буюрган ҳар бир инсон бундай маълумотларга эга бўлса, масканимизнинг аҳамиятли ўрни ўз ифодасини топади, деб ўйлайман.

Музейнинг махсус бўлимида тиббиётимизнинг буюк олимлари, устозларимиз К. Зоиров,

нейрохирург М. Қориев, невропатолог В. Мажидов, Э. Отахонов, таниқли олим-жарроҳ В. Воҳидов, профессор И. Мусабоев, академик олимларимиз Ё. Тўракулов, К. Зуфаров, Ў. Орипов, К. Йўлдошев, Ж. Маҳсумов, А. Обидов, Ўзбекистон Қаҳрамони М. Абдуллаҳжаева, Н. Муродхўжаев, А. Раҳимжонов, А. Убайдуллаев, Т. Даминов, Т. Искандаров, Р. Каценович, Ш. Ҳамроевларнинг фотосуратлари, шахсий буюмлари, ёзган илмий китоблари кўрсатилган.

Ҳали олдимизда улкан вазифалар турибди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, музейимизга янги экспонатлар келтирилмоқда. Бундай ишларни амалга

оширишда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳиссаси бениҳоя каттадир. Раҳбариятнинг ёрдами билан музейнинг хизмат кўрсатиш салоҳияти ва нуфузи тобора ортмоқда.

**Ўйлайманки, халқимиз саломатлигини ўзида акс эттирувчи музейимиз ҳали кўп йиллар тарих саҳифаларида сайқалланиб боради. Фурсатдан фойдаланиб, юртимизда фаолият юритаётган музейлардаги ҳамкасбларимизни Халқаро музейлар куни билан чин дилдан табриклайман.**

Суҳбатдош  
Ибодат СОАТОВА.  
Муаллиф олган  
суратлар.

## Эълон

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган махсус даволаш муассасаларида мавжуд бўлган бўш шифокорлик ва ўрта тиббиёт ходими лавозимларига, ёши 40 дан ошмаган, жисмонан ва руҳан соғлом, тор мутахассислик дипломига эга бўлган, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатдан ўтган фуқароларни куйидаги лавозимларга танлов асосида ишга таклиф этади.

## Мутахассисликлар рўйхати:

Терапевт	Врач-лаборант
Кардиолог	Рентгенолог
Дерматолог	Эндокринолог
Психиатр	Функционал диагностика врач
Физиотерапевт	Анестезиолог-реаниматолог
Гастроэнтеролог	Эндоскопист
Офтальмолог	Эпидемиолог
Уролог	Эпидемиолог ёрдамчиси (санитар фельдшер)
Онколог	Врач-статист
Педиатр	Операция ҳамшираси
	Рентгенлаборант

## Талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати:

1. Диплом нусхаси;
2. Паспорт нусхаси;
3. Меҳнат дафтарчаси нусхаси;
4. Маълумотнома (справка-объективка) ўрнатилган шаклда;
5. Фотосурат 5х6 см – 2 дона.

**Мурожаат учун:** Соғлиқни сақлаш вазирлиги Кадрлар билан ишлаш бошқармаси.

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 12-уй, тел.: 241-54-54.

Талабномани Соғлиқни сақлаш вазирлиги расмий сайти ([www.minzdrav.uz](http://www.minzdrav.uz) ёки [www.med.uz](http://www.med.uz))нинг **On-line** хизмати саҳифасида тўлдиришингиз мумкин.

## Объявление

Министерство здравоохранения Республики Узбекистан предлагает трудоустройство на конкурсной основе в специальные лечебно-профилактические учреждения, расположенные в г.Ташкенте и Ташкентской области, лицам не старше 40 лет, при наличии документа о специализации, имеющим постоянную прописку в г.Ташкенте и Ташкентской области, на следующие вакантные должности.

## Список специальностей:

Терапевт	Врач-лаборант
Кардиолог	Рентгенолог
Дерматолог	Эндокринолог
Психиатр	Врач функциональной диагностики
Физиотерапевт	Анестезиолог-реаниматолог
Гастроэнтеролог	Эндоскопист
Офтальмолог	Эпидемиолог
Уролог	Помощник эпидемиолога (санитарный фельдшер)
Онколог	Врач-статист
Педиатр	Операционная медсестра
	Рентгенлаборант

## Требуемые документы:

1. Копия диплома;
2. Копия паспорта;
3. Копия трудовой книжки;
4. Справка-объективка установленной формы;
5. Фото 5х6 см – 2 шт.

**Для обращения:** Управление по работе с кадрами Министерства здравоохранения.

г.Ташкент, ул.Навои, 12, тел.: 241-54-54.

Заявку можно заполнить на официальном сайте Министерства здравоохранения ([www.minzdrav.uz](http://www.minzdrav.uz) или [www.med.uz](http://www.med.uz)), в разделе **On-line** услуг.

## Фан уфқлари

РЕНАЛ ОСТЕОПОРОЗДА БИФОСФОНАТЛАР БИЛАН ДАВОЛАШДА БУЙРАК ФАОЛИЯТИ  
ҲАМДА КАЛЬЦИЙ-ФОСФОР МУВОЗАНАТИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ

Ренал остеопорозда юзага келадиган кальций-фосфор мувозанатининг бузилиши ва уларнинг кўрсаткичларини коррекция қилиш мақсадида бифосфонатлар ва кальций препаратлари қўлланилганда бу препаратларнинг кальций-фосфор мувозанатига боғлиқ бўлган ноҳўя таъсирлари йўқолиб, кальций-фосфор мувозанати бузилиши жараёни сезиларли даражада секинлашади ҳамда ренал остеопорозни даволаш самардорлигини оширади, шунингдек буйрак фаолиятига ижобий таъсир кўрсатилади.

Сурункали буйрак касаллиги (СБК) – ҳозирги кунда кўпчилик ривожланган давлатларда буйраклар функциясининг пасайишига олиб келувчи касалликлар сони ортиб бормоқда. Сурункали буйрак етишмовчилиги (СБЕ) муаммоси, шунингдек унинг босқичларини аниқлаш, қимматбаҳо даволаш усуллари (гемодиализ, перитонеал диализ, буйрак трансплантацияси) муаммолари аллақачон ўта муҳим ижтимоий аҳамият қозонган. Беморлар учун нафақат СБЕнинг оғирлашиб бориши, балки асосий касалликнинг қайталанishi оқибатлари, шунингдек етарлича текширув ва даволаш ўтказилмаслиги оқибатида аҳволнинг кескин ёмонлашиш ҳоллари ва юрак қон-томир асоратларининг қўшилиш хавфи ҳам юқориликча қолмоқда.

СБЕга олиб келувчи сабабларни ўрганишга бағишланган эпидемиологик изланишларда аниқланган хавф омиллари юрак томир касалликларининг хавф омилларига ўхшаш эканлиги аниқланган. Шу сабабли буйрак касалликларининг бирламчи ва иккиламчи профилактикасида юрак томир тизимини ҳимоялаш ҳам кўзда тутилган.

Юқоридагиларга асосан, National Kidney Foundation (АҚШ) томонидан буйрак касалликлари диагностикаси, даволаш ва профилактикасини умумлаштириш мақсадида “Буйраклар сурункали касаллиги” (БСК) тушунчаси киритилди.

БСК деганда, терминал буйрак етишмовчилигига олиб келадиган буйракнинг исталган сурункали касаллигини айтиш мумкин. БСКнинг бир қанча клиник босқичлари фаркланади (US National Kidney Foundation/Kidney Disease Outcomes Quality Initiative):

**1-босқич – буйраклар зарарланиши белгилари бор, сийдикда патологик ўзгаришлар аниқланади, коптокчалар филтрацияси тезлиги нормада (СКФ = 90 мл/мин.).**

**2-босқич – буйраклар зарарланиши белгилари бор, СКФ 60-89 мл/мин.**

**3-босқич – СКФ 30-59 мл/мин.**

**4 босқич – СКФ 15-29 мл/мин.**

**5-босқич – терминал буйрак етишмовчилиги СКФ <15мл/мин.**

СБК босқичларини аниқлашда СКФ асосий роль уйнайди. Шундай қилиб, БСК тушунчаси қўллаб нозологларни ўз ичига олган синдром тушунчасига мос келади.

СБКнинг бир қатор патогенетик бўғинлари кенг салмоқли ўрганилган ва самарали коррекция қилинмоқда. Бироқ СБКда фосфор-кальций мувозанати бузилиши ва ренал остеопорознинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек уларнинг коррекци-

яси бўйича изланишлар етарли эмас. Маълумки фосфор-кальций мувозанатининг бузилиши ва ренал остеопороз СБКни жадаллаштирувчи омиллардан биридир [10]. Ренал остеопороз туфайли юзага келадиган суякларда оғрик бўлиши, синишга мойиллик туғилиши ва бошқа тана скелети билан боғлиқ дискомфортлик одатда сурункали буйрак касаллигининг (СБК) IV босқич охири ва асосан V босқичда (NKF/QDOKI классификациясига мувофиқ, 2002) намоён бўлади [8]. Бироқ СБКнинг нисбатан эрта босқичлари, яъни СБКнинг III босқичида организмда фосфор-кальций мувозанати сезиларли даражада бузилиши ренал остеопороз ривожланишига туртки бўлади. Маълумки СБКда юзага келадиган ренал остеопороз буйрак фаолиятининг сурункали бузилиб бориши натижасида буйракдаги проксимал эгри каналчаларда жигардан келган D витаминининг нофаол шакли бўлган 25-OH-D<sub>3</sub> (холокальциферол)ни 1 $\alpha$ -гидроксилаза таъсирида мураккаб монооксигеназ реакция ёрдамида 1,25-(OH)<sub>2</sub>D<sub>3</sub> (кальцитриол)га айланишининг бузилиши туфайли юзага келади деб ҳисобланади. 1,25-(OH)<sub>2</sub>D<sub>3</sub> (кальцитриол) D витаминининг фаол шакли бўлиб, у ичакларда кальцийнинг сўрилишини ва суякларда жойлашишини таъминлайди [4,8]. Юқоридаги бузилиш эса кальций-фосфор мувозанати кўрсаткичларини ўзгартириб ренал остеодистрофияга сабаб бўлади [8]. Бироқ бу патологик жараён коптокча филтрацияси 30 мл/мин.дан пасайгандан сўнг бошланади [9]. Чунки 1 $\alpha$ -гидроксилаза ферменти йўлдош ва бошқа тўқималарда, жумладан, минимал миқдорда бўлса ҳам суякда мавжуд [4]. Бироқ СБКнинг нисбатан эрта босқичлари, яъни СБКнинг III босқичида организмда фосфор-кальций мувозанати кўрсаткичлари сезиларли даражада бузилади. Коптокча филтрацияси нормадан 25 фоизгача пасайиши билан қонда гиперфосфатемия ва гипокальциемия бошланади [7,8,10]. Бу ҳолат куйидагича тушунтирилади:

СБКнинг III босқичида каналчалардан фосфор экскрециясининг камайиши оқибатида гиперфосфатемия бошланади [7]. Плазмада миқдори кўпайган фосфор кальций ионини ўзига бириктириб кальций фосфат тузини пайдо қилади ва у организмдаги деярли барча қон томирларда макро ва микро қон томирлар кальцификацияни бошлаб беради [4,5,8]. Оқибатда плазмада гипокальциемия юзага келиб қалқонсимон без олди безидан паратгармон (ПТГ) ишлаб чиқарилиши рағбатланишига олиб келади. Бу жараён плазмада ПТГ миқдори ошиб суяк тўқимасидаги остеоластлар фаоллигини кучайтириши оқибатида суяклар резорбциясини бошлаб беради. Натижада юзага келган ренал остеодистрофия СБКнинг IV-V босқичларида ренал остеопороз клиникасини намоён этади.

Бу патологик жараённи коррекция қилишнинг одатий усулларида бири бўлиб кальций сақловчи препаратларни қўллаш ҳисобланади. Улардан айнан кальций карбонат танлов препарати бўлиб, у ренал остеопорозни даволашда коптокча филтрацияси пасайиб боришига қараб 3 грамм/суткагача тавсия этилади [1,7]. Шунингдек, таркибда фосфор сақлаган озик-овқатлар (кўпроқ оксилли маҳсулотлар) камайтиради ва ичакларда фосфорнинг

